

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРБОЕВ ФАРМОН ЭРГАШОВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАР ПЕРСОНАЛ
ФАРМАКОТЕРАПИЯСИ ВА ГЕПАТОПРОТЕКТОРЛАР
ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундаражаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation abstract

Нурбоев Фармон Эргашович

Сурункали жигар касалликлар персонал фармакотерапияси
ва гепатопротекторлар фармакоэпидемиологияси 3

Нурбоев Фармон Эргашович

Фармакоэпидемиология гепатопротекторов и персонификация
фармакотерапии хронических заболеваний печени 25

Nurboyev Farmon Ergashovich

Pharmacoepidemiology of hepatoprotectors and pharmacotherapy
personification of chronic hepatic diseases 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРБОЕВ ФАРМОН ЭРГАШОВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАР ПЕРСОНАЛ
ФАРМАКОТЕРАПИЯСИ ВА ГЕПАТОПРОТЕКТОРЛАР
ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.Tib323 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мавлянов Искандар Рахимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвосит Мирвосиқович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Фозилов Абдуқаҳхор Воҳидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Новосибирск давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги 27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./Факс: +998971-150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./Факс: +998971-150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор, академик

КИРИШ (докторликдиссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сурункали жигар касалликлар фармакотерапияси, айниқса, сурункали вирусли гепатит ва жигар циррозларини даволаш, уларнинг оқибатларини олдини олиш тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Жигар касалликларининг профилактикаси ва диагностикаси, даволаш усуллари ривожланишига қарамасдан ушбу хасталиклардан ўлим кўрсаткичлари етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра «барча касалликлар ичида жигар циррозидан ўлим ўнинчи ўринда туради»¹. Сўнгги йилларда дунё миқёсида қатор тавсияномалар ишлаб чиқилишига қарамасдан, клиник амалиётда жигар касалликлари фармакотерапиясида қўлланиладиган дори воситалари билан даволаш стандартларида кўрсатилган дори воситалари ўртасида кескин фарқ мавжуд. Бу эса ўз навбатида чуқур фармакоэпидемиологик тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. Сурункали жигар касалликлари билан оғриган беморларни даволаш жараёни катта моддий харажатларни талаб этади. Бу нафақат даволаш учун сарфланадиган харажатлар, балки билвосита харажатлар бўлиб, улар вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқдир. Шунинг учун сурункали жигар касалликларини замонавий ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш амалий тиббиётнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда HBV, HCV этиологияли сурункали гепатитлар ва жигар циррозининг эрта ташхисоти, персонал ва табақалаштирилган даво усуллари яратиш йўналишида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда вирус этиологияли сурункали жигар касалликларининг тарқалганлик даражаси, уларнинг асоратлари ва салбий оқибатларининг жигар циррозига ўтишидаги роли масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Сурункали вирусли ва вируссиз гепатитларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш, жигар циррозининг фиброз жараёнлари жигарнинг сурункали касаллик асоратлари профилактикасида асосий муаммолардан бирига айланди².

Ўзбекистон тиббий-ижтимоий шароитлар (оила аъзолари сонининг ўзига хослиги, ёш структураси) билан боғлиқ ҳолда минтақадаги вирус инфекциясининг турли даражада эканлиги ва маҳаллий аҳолининг этник ўзига хослиги сабабли инфекциянинг тарқалишига кўра гиперэндемик минтақага киради. Бир қатор муаллифлар томонидан ўтказилган скрининг тадқиқотларда шу нарса аниқландики, мамлакатимизда текширишдан ўтказилган соғлом аҳолининг 5,6% и анти-HCV ва 8,3%и эса HBsAg га эгадирлар³.

¹ World Health Organization Hepatitis B – Fast sheet. April/2017.

² Амалий қўлланма. 1-нашр. –Бухоро: Шарқ. 2015. 8н-р/591.15.10.

³ Хикматуллаева А.С., Мусабоев Э.И., Абдукодирова М.А., Асилова М.У., Шарипов С.М./Ўзбекистон Республикасида HCV инфекциясини тарқалиш масштабларини баҳолаш. 2016. 4-сон. Б.119-122; Хикматуллаева А.С. Ўзбекистонда жигарнинг вирусли циррози сабабли юзага келадиган иқтисодий юкни баҳолаш// Назарий ва клиник тиббиёт журнали. 2017. 3-сон. Б.110–112.

Ўзбекистонда совет давридан кейин юзага келган бошқа давлатларда бўлганидек таннархи қиммат замонавий даволаш қоидаларига асосланган даволаш усуллари ва дори воситаларини ўз ичига олган янги инновацион усулларни қўллаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш орасида доимий равишда молиявий номутаносиблик юзага келиши аниқланди. Шунинг учун юзага келган ҳолатда турли клиник фармакологик гуруҳларга мансуб гепатотроп ва вирусларга қарши дори воситаларини қўллашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, ушбу дори воситаларининг самарадорлиги ва ҳавфсизлигини инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш жуда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, сурункали жигар касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида... ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлигини ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»⁴ вазифалари белгиланди, шундан келиб чиққан ҳолда, сурункали гепатит ва жигар циррозини эрта аниқлаш, касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг клиник самарадорлигини ошириш, даволаш усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 июлидаги 537-сон «Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг ДИТД-9 «Инсонлар касалликларининг профилактикаси, ташхисоти, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш» дастури устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Сурункали жигар касалликлари эпидемиологияси, диагностикаси, даволаш ва профилактика усуллари билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан:

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4997-сонли Фармони.

⁵Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида қуйидаги манбалардан фойдаланилди: www.en.dlut.edu.cn, www.uma.es, www.sgm.ru, www.english.njau.edu.cn, www.viena.edu, www.eur.nl, www.neideiberg.edu, www.cur.ni, www.english.njnu.edu, www.who.int/healthinfo/global-burden-diseas ва бошқ.

National insitute of Hepatologi (AKШ); Heideiberg University (Германия); Vrije Universiteit Brussel (Бельгия); Vienna Medikal University (Австрия); Departament of Hepatologi (Англия); Н.И.Пирогов номидаги Россия Миллий тадқиқот тиббиёт университети, Челябинск давлат тиббиёт академияси, (Россия); Харьков Миллий тиббиёт университети (Украина) ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ҳозирги кунга келиб вирусли гепатитларни ўрганиш бўйича маълум ютуқларга эришилди: уларнинг кўзгатувчилари очиб берилди; лаборатор шароитда ташхислашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилди, В ва С вирусли гепатитларида вирусларга қарши даволаш усуллари олиб борилмоқда, энг кўп тарқалган гепатитлар (А ва В)нинг махсус профилактик воситалари ишлаб чиқилди, беморларнинг индивидуал вирусологик ва иммунологик профили ва клиник кечишининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда вирусли гепатитнинг охириги натижалари тўғрисидаги тасаввурлар кенгайди.

Ҳозирги кунга келиб дунёнинг илмий марказларида жигар касалликларини фармакотерапиясининг мавжуд бўлган усуллари самарали ўрганиш бўйича бир қатор устувор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва жигар циррози ҳамда вирусли гепатитларни даволаш учун янги дори воситалари ишлаб чиқилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали жигар касалликлари кенг тарқалганлиги тиббиёт жамоатчилиги эътиборини тортиб келмоқдаки, дунё гастроэнтеролог ва гепатологлари ушбу муаммога бағишланган қатор тадқиқотлар олиб боришмоқда. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида жигарнинг сурункали касалликлари, жумладан, вирусли гепатитлар ва улар асосида шаклланган жигар циррозининг тарқалиши бўйича статистик маълумотлар ўрганилган. Баъзи илмий нашрларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳам шундай маълумотлар тақдим этилган (Т.А.Даминов, 2002; Ф.А.Орифхўжаев, 2012), бунда Ўзбекистон А,В,С ва бошқа вирусли инфекцион гепатитлари тарқалиши бўйича гиперэндемик минтақа сифатида қайд этилган.

Сўнги йилларда сурункали жигар касалликларининг оптимал фармакотерапияси тўғрисида бир қатор тавсияномалар нашр этилган. Янги гепатопротекторлар ва вирусга қарши воситалар пайдо бўлди. Айниқса, вирусли гепатит С ва холестатик ҳолатни даволаш усуллари жадал ривожланди. Бу холестази даволашда урсодиоксихол кислота препаратларига нисбатан муҳим ва юқори самарали усулнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, шунингдек, гепатит Сда вирусга қарши кучли, тўғридан тўғри таъсирга эга бўлган бир қатор оригинал препаратлар женерикасининг яратилиши жараёнлари билан боғлиқдир.

Лекин аслида клиник шароитда жигар касаллигининг фармакотерапияси ва даволаш стандартлари орасида кескин фарқ мажуд. Бу эса ўз навбатида чуқур фармакоэпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади (С.В.Оковитый, 2012; И.Р.Мавлянов, Л.Т.Даминова ва бошқалар, 2012).

Ҳозирги вақтда бизнинг республикамизда жигарнинг сурункали касалликларини аниқлаш мақсадида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ушбу касалликнинг адекват ташхиси мавжуд эмаслиги, даволашга бўлган турлича ёндошувлар, дори воситаларининг турли хилдаги дозалари, даволашнинг қисқа муддатда амалга оширилиши, даволашнинг динамик мониторинги юритилмаслиги, полипрагмазия, хавф омиллари коррекция қилинмаганлигини кўрсатди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтининг ИСС-2014-3-сонли «Жигар ичи холестази синдроми терапияси самарадорлигини оширувчи усулни қўллаш» ҳамда ИСС-2014-6-сонли «Стационар шароитда касалликларни даволаш учун унифицирланган дори воситалар формуляри ва орфан дори воситалари реестрининг электрон шаклини яратиш» номли инновация иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали жигар касалликларини даволашда қўлланилаётган дори воситаларининг фармакоэпидемиологик миқдор ва сифат таҳлили маълумотларига асосланиб улар фармакотерапиясига дифференциал ёндашув схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро ва Навоий вилоят касалхоналарида сурункали жигар касалликлари билан 2004–2009 ҳамда 2014–2017 йиллар мобайнида даволанган беморларнинг касаллик тарихини ретроспектив таҳлил қилиш асосида касалликларнинг структураси ва нозологик шакллари кечишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўлим даражасини ўрганиш;

ўн йил давомида Бухоро ва Навоий вилоятлари касалхоналарида стационар шароитда даволанган, жигарнинг сурункали касалликлари билан хасталанган беморларни дори воситалари билан таъминлаш самарадорлиги ва сони, структурасини таҳлил қилиш;

жигар циррози ва сурункали гепатитни даволашда қўлланиладиган дори воситалари нархининг аҳамияти (ABC) ва талаб даражасини (VEN) инобатга олиб дори воситалари структурасининг ўн йиллик фармакоэпидемиологик таҳлилинини ўрганиш;

сурункали жигар касалликларидаги холестази синдроми оғирлик даражаси ва биокимёвий кўрсаткичлари миқдорини инобатга олган ҳолда урсосан препаратини дифференциаллашган ҳолда қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

сурункали гепатит С ни даволашда урсосанни табақалашган ҳолда ҳамда вирусларга қарши даволаш хусусиятига эга бўлган Софосбувир/Даклатасвирни биргаликда қўллашнинг фармакоиктисодий таҳлили ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро ва Навоий вилояти касалхоналарида сурункали вирусли ва вируссиз гепатитлар, жигар циррози билан даволанган ўн минг нафар беморнинг касаллик тарихи ва холестази

синдроми устуворлигида кечадиган сурункали гепатитлар ва жигар циррози билан хасталанган 140 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети тиббий ҳужжатлар, қон зардоби, жигар ва ўт пуфаги ультратовуш текшируви материалларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда фармакоэпидемиологик, фармакоэкономик, клиник, умум лаборатор, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фармакоэпидемиологик таҳлил усуллари асосида илк бор ўн йиллик динамикада жигар циррози ва сурункали вирусли ҳамда вируссиз гепатитларда дори воситаларини истеъмол қилиш структурасининг тадқиқоти олиб борилди. Дори воситаларини танлашнинг таҳлили асосида сурункали жигар касалликларини даволаш самарадорлигини баҳолашда турли ихтисосликдаги шифокорлар уларни қўллашнинг фармакоиктисодий асосланиши ҳамда бунинг учун ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди,

илк бор сурункали жигар касаллиги билан оғриган беморларда холестази синдромининг турли оғирлик даражасида урсодиоксихол кислота (урсосан асосидаги) препаратларининг дозасини дифференциал танлаб олиш схемаси ишлаб чиқилди, бунинг натижасида эквивалент терапевтик натижаларга эришилди;

биринчи бор урсодиоксихол кислота препаратлари ва вирусларга қарши дори воситалари комплексини қўллаш билан бирга сурункали вирусли гепатит С ни даволашнинг иқтисодий адекват ва юқори самарали схемасини танлаб олиш имконияти кўрсатилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари жигарнинг сурункали касалликлари билан оғриган беморларда гепатопротектор дори воситаларини оптимал қўллаш бўйича турли ихтисосликдаги шифокорларга қарор қабул қилишда амалий ёрдам беради;

сурункали жигар касалликларини даволаш учун замонавий хорижий стандартлар типи бўйича дори воситаларининг маҳаллий формуляр тизимини яратиш зарурияти исботланган;

сурункали жигар касалликлари оғирлик даражаси ва биокимёвий кўрсаткичлар миқдorigа мувофиқ урсосан препаратини табақалаштирилган ҳолда қўллаш схемаси ишлаб чиқилган;

сурункали С вирусли гепатит ва жигар циррозида урсосан препаратини табақалаштирилган миқдорда ҳамда вирусга қарши препаратлар билан биргаликда қўллаш схемаси орқали юқори тиббий самарадорликка эришиш ва даво сарф-харажатларини тежаш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва текширув усуллари, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги,

чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, сурункали жигар касалликларини даволаш учун қўлланиладиган дори воситаларининг миқдор ва сифат бўйича тадқиқотини ўтказиш шу турдаги дори воситаларига ҳам тузилиши бўйича, ҳам талаби бўйича мос бўлган дори воситаларини яратишга имкон беради. Жигарнинг сурункали касалликларини даволаш учун дори воситалари қўллашнинг ABC/VEN таҳлилини ўтказиш натижалари мазкур касалликларнинг хавфсиз фармакотерапияси ва самарадорлигини таъминлаш учун дори воситаларини сотиб олишда молиявий воситаларни самарали қўллаш дориворлик формулярини шакллантириш асоси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жигарнинг сурункали касалликлари билан оғриган беморлардаги холестази синдроми устувор бўлган шароитда синдромнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда гепатопротектор-урсосаннинг буюрилишида дифференциал ёндошувни қўллаш даволаш курси дозаларини камайтириш имкониятини яратгани ва даволаш давомийлигини қисқартиргани, шулар билан бир қаторда анъанавий даволаш билан бир хилдаги тиббий самарадорликка эришилагани билан изоҳланади.

Сурункали гепатит С нинг фармакотерапиясида вирусларга қарши препаратларни апробация қилиш натижалари: даклатасвир+софосбувирни урсосан билан дифференциал ҳамкорликда буюриш тиббиёт амалиёти учун арзон ва барча учун имконияти бўлган, шу билан бир вақтда юқори самарали даволаш вариантини таклиф этиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Холестази синдроми устуворлигида кечадиган сурункали жигар касалликларини даволашга янгича ёндашув бўйича олинган натижалар асосида «Жигар ичи холестази синдромини самарадор даволаш усулини қўллаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 15 октябрдаги 8н-р/591-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонаси, Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази гепатология ва гастроэнтерология бўлимларида амалиётга жорий қилинган ва ушбу натижалар сурункали жигар касалликлари билан хасталанган беморлар даво самарадорлигини оширишга, даво муддатлари ва препарат миқдорининг камайиши ҳисобига юқори иқтисодий самара берган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июнидаги 8н-з/133-сон маълумотномаси);

сурункали жигар касалликларини даволашда қўлланилаётган дори воситаларининг фармакоэпидемиологик ва фармакоэкономик таҳлили натижалари асосида «Стационар учун унифицирланган дори формуляри» номли ЭҲМ дастури ишлаб чиқилган (2015 йил 3 февралда олинган DGU

03338 рақамли гувоҳнома). Ушбу дастур Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига жорий этиш натижасида беморларнинг дори воситалари билан даволашдаги сарф харажатлари 11–13% камайиши ҳамда дори воситаларига ажратиладиган маблағларни мақбуллаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, 2та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 183 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигарнинг сурункали касалликларининг тарқалиши, этиология ва патогенези**» ҳамда «**Жигарнинг сурункали касалликлари давосига замонавий ёндашув**» деб номланган биринчи бобида сурункали жигар касалликларининг асосий аспекти ва замонавий муаммоларига бағишланган адабиётлар шарҳи, ушбу хасталиклар эпидемиологияси, этиология ва патогенези тўлиқ ёритилган, касалликнинг барча турлари таҳлил қилинган. Шунингдек, сурункали жигар касалликларини замонавий даволаш усуллари батафсил кўрсатилган. Ўрганилган муаммо бўйича ўз ечимини топмаган ва чуқур ўрганишни талаб этадиган масалалар ойдинлаштирилган ҳамда ушбу йўналишда изланишлар олиб бориш зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Илмий тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текшириш материаллари ва усуллари, клиник материалга умумий тавсиф, клиник-лаборатор текширувлар, касалликлар структураси, қўлланилган дори воситалари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқот ишлари Бухоро ва Навоий вилоят касалхоналарида 2004–2009 ҳамда 2014–2017 йиллар давомида жигарнинг сурункали касалликлари билан хасталанган беморларнинг ўн мингдан ортиқ

касаллик тарихи ретроспектив таҳлили ўтказилган. Холестаз синдроми устуворлигида кечадиган жигарнинг сурункали касалликлари бор бўлган Бухоро ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази гастроэнтерология ва Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг гепатология ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия илмий маркази гастроэнтерология бўлимларида стационар ва амбулатор шароитда даволанган 140 нафар беморда проспектив таҳлил ўтказилган.

Гепатопротектор дори воситалари фармакоэпидемиологияси клиник-иктисодий текшириш усули ABC таҳлили, дори воситаларининг муҳимлик индекси нуқтаи назаридан тўғри танланганлигини аниқловчи VEN таҳлили, ҳамда частотали таҳлил усуллари орқали ўрганилди. Касаллик тарихлари сурункали жигар касалликлари билан хасталанган беморларни стационарда ётиш куни, уларнинг ёши ва жинси бўйича таҳлил этилди. Сурункали жигар касалликлари билан хасталанган беморлар умумий сонидан саккиз кундан ўн икки кунгача ётиб даволанган беморлар 33% ни, ўн кундан ўн беш кунгача 41%ни ва ўн беш кундан йигирма кунгача эса 26%ни ташкил қилди. Ўртача ётиш кунлари $13,3 \pm 1,2$ кунни ташкил этди. Эркаклар ва аёллар орасидаги нисбат 2:1 дан 3:1 гача бўлиб, ўртача 2,5:1ни ташкил қилди. Ёш кўрсаткичлари бўйича таҳлил қуйидагиларни кўрсатди: 20–30 ёшгача беморлар сони 9,5%, 31–40 ёшгача 21%, 41–50 ёшгача 43%, 51–60 ёшгача 26% ни ташкил қилди. Шуни қайд этиш керакки, текширилган беморлар орасида 41–60 ёшгача бўлганлар сони қарийб 70% ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Жигарнинг сурункали касалликлари клиник шаклларининг тарқалишининг ўзига хосликлари**» деб номланган учинчи бобида кўрсатилганки, 2004–2009 йиллардаги касалликлар тарихининг ретроспектив таҳлили ҳар икки вилоятда ҳам сурункали гепатитнинг учраши бир хил даражада эканлигини кўрсатди, айнан ўрганилган материалнинг 80%и сурункали гепатитнинг ҳар хил турларини ташкил этган бўлса, қолган 20%и жигар циррозига тўғри келди. Бироқ вилоятлар ўртасидаги фарқ сурункали гепатитнинг этиологик сабабига нисбатан аниқланди.

Демак, Навоий вилоятида вирусиз этиологияли сурункали гепатит ҳолатлари 1,5 марта юқори бўлди, аммо унга мос ҳолда вирусли гепатит билан оғриган беморлар озчиликни ташкил этди. Бунда ҳар икки вилоятда сурункали гепатит В билан оғриган беморлар сони сурункали гепатит С билан оғриган беморлар сонига нисбатан деярли 1,5 марта юқори бўлди.

Жигарнинг ҳар хил турдаги касалликлари тарқалишидаги фарқ имкониятларини аниқлаш мақсадида аниқланган беморларнинг абсолют сонини ҳар икки вилоятда истиқомат қилувчи катта ёшдаги аҳоли сонига бўлган нисбати олинди. Статистик маълумотларга мос ҳолда ретроспектив таҳлил давомида Бухоро вилоятининг катта ёшли аҳолиси Навоий вилоятидаги аҳолига нисбатан деярли икки марта юқори бўлиши аниқланди. Ушбу маълумотни ҳисобга олган ҳолда шу нарса маълум бўлдики, Навоий вилоятида жигар циррози ва сурункали гепатит билан умумий касалланишнинг тарқалиши деярли 1,6 марта юқоридир. Бу асосан вирусиз

этиологияли сурункали гепатит ва жигар циррози тарқалишининг 2 мартадан ортиқ даражада статистик аҳамиятли ортиши ҳисобига юзага келади. Навоий вилоятида Бухоро вилоятига нисбатан сурункали вирусиз гепатитларнинг тарқалиши 1,27–1,3 марта юқори бўлса-да, шунга қарамасдан фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади.

Бундан кўринадики, Навоий вилоятида Бухоро вилоятига нисбатан сурункали гепатит билан касалланиш даражасининг юқори бўлиши вирусли жараёнлар ҳисобига таъминланади.

Касаллик тарихида келтирилган маълумотларга кўра кўп ҳолларда улар гепатитлар ва этиологияси номаълум ёки заҳарли табиатли этиологияга эга бўлган жигар циррози сифатида қайд қилинади. Адабиёт маълумотларига кўра, вирусиз сурункали гепатит этиологияси бўлиб спиртли ичимликлар, заҳарли, доривор, аутоиммун моддалар, шунингдек, номаълум сабаблар ҳисобланади. Бунда охириги икки сабаб жуда кам ҳолларда учрайди, улар барча популяцияларда вирусиз сурункали гепатитлар сони бўйича бир хилда, яъни 5-6% ортиқ бўлмаган ҳолдаги тарқалиш хусусиятига эга. Шунингдек, дори воситалари таъсирида юзага келадиган гепатитлар ҳам кам ҳолларда аниқланди.

Шу давр мобайнида бутун республика бўйича олинган статистик маълумотларни ҳисобга олиб, Навоий вилоятини Бухоро вилоятига таққосланганда аҳоли улушининг катта қисми европа популяциясига мансуб бўлиб, улар асосан кон қазилар ва кимё саноати билан шуғулланидилар. Уларда спиртли ичимликлар сабабли юзага келадиган психозлар 2,5 марта кўп учрайди, бу эса вирусиз сурункали гепатитларнинг асосий қисми заҳарли этиологияга киради дейиш учун асос бўлиб ҳисобланади (шулар қаторида спиртли ёки аралаш).

Шу нуқтаи назардан сурункали гепатитлардаги этиотроп терапия вирус этиологияли ҳолатлар учун вирусларга қарши дори воситаларини буюриш, заҳарли этиологияли ҳолатларда эса сабаб бўлган кимёвий моддалар таъсирини тўхтатиш бўлиб ҳисобланади. Бунда патогенетик терапия этиологик омилга боғлиқ бўлмайди.

10 йилдан сўнг жигарнинг сурункали касалликлари тарқалиши бўйича вазият ҳар икки вилоятда ҳам жуда оз даражада ўзгарди. Тадқиқот олиб борилган клиникалардаги касалликлар тарихини ретроспектив таҳлил маълумотларига кўра шу нарса аниқландики, Навоий вилоятида аниқланган сурункали гепатитнинг ҳар хил турлари орасида вирусиз этиологияли гепатитлар юқори натижаларни кўрсатди, бу кўрсаткич умумий соннинг ярмини ташкил этди. Бунда сурункали гепатит В билан оғриганлар барча касал бўлганларнинг чорак қисмини ташкил этган бўлса, сурункали гепатит С билан оғриганлар эса фақат 17%ни ташкил этди. Сурункали гепатит Д ва аралаш шаклдаги сурункали гепатит билан оғриган беморлар сони 8% ни ташкил этди. Бухоро вилоятида эса аксинча, жигарнинг сурункали гепатит касаллик кўрсаткичлари юқори натижаларни кўрсатди. Бунда биринчи ўринга гепатит С (40% гача), кейин эса гепатит В (беморларнинг умумий сонининг учдан бир қисмини ташкил этади) ва ундан кейин вирусли

гепатитнинг аралаш шакллари 16% ҳамда вируссиз этиологияли гепатитлар 2%ни ташкил этади.

Маълум бўлдики, сўнгги вақтда Навоий вилоятида вируссиз этиологияли гепатитлар ва вирусли гепатитнинг аралаш шакллари нисбий ўсиши юзага келди. Бухоро вилоятида эса шунга ўхшаш жараён гепатит С га ва вирусли гепатитнинг аралаш шаклларига нисбатан юзага келиб, бу ҳолат вируссиз этиологияли гепатитлар улуши нисбатан пасайиш фонида кузатилди.

Навоий вилоятидаги жигар циррози билан оғриган беморлар орасида вируссиз этиологияли гепатитлар ва вирусли гепатит В касалликлари нисбатан тенг улушда намоён бўлиб (ҳар бири 44% дан), бунда гепатит С нинг вирусли этиологияси фақат 12%ни ташкил этди. Бухоро вилоятида жигар циррозининг вирусли этиологияси доминант бўлиб ҳисобланиди ва гепатит В учун кўрсаткичлар 43,5% ни ташкил этди ҳамда гепатит С учун эса 39,9%ни кўрсатди.

Бундан кўринадики, бизнинг фикримизча, сўнгги йилларда ташхислаш сифатининг яхшиланиши натижасида ҳар икки вилоятда вирусли гепатитнинг аралаш шакллари сони (Д+В, В+С), шунингдек, сурункали гепатит С ва жигар циррози билан оғриган беморлар сонининг ортиши кузатилди.

Диссертациянинг **«Жигарнинг сурункали касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситалари структурасининг қиёсий таҳлили (Учраш сонлар таҳлили)»** деб номланган тўртинчи бобида 2006–2016 йиллар давомида жигар циррози ва сурункали гепатитларни стационар даволаш жараёнида қўлланилган турли гуруҳларга кирувчи дори воситалари нисбий улушининг (буюрилишлари сони) қиёсий таҳлил натижалари келтирилган. Шу нарса аниқландики, тадқиқот қилинган ҳар икки вилоят ўртасида шу йўналишдаги фарқ сезиларсиз бўлди ва ҳеч қайси жойда вирусга қарши дори воситалар қўлланилмайди. Бу ерда фақат стационар даволаш кўриб чиқиладиган бўлиб, унинг мақсади касалликни зўрайиш даврини 10 кунлик муддат ичида сусайтириш ҳисобланади, шу сабабли бу ерда беморлар учун буюрилган дори воситаларининг асосий қисми фақат инъекция шаклида қўлланилган.

Сурункали гепатитларда патогенетик терапия учун асосий гуруҳ бўлиб гепатопротекторлар ҳисобланади, бироқ гепатопротекторларнинг кўпчилиги инъекцион шаклга эга эмас, шунинг учун бундай беморларга энг кўп буюриладиган дори воситаларига детоксикацион самарага эга бўлган инфузион эритмалар киради. Улардан сўнг гепатопротекторлар ва метаболиклар қўлланилади. Бунда барча қўлланилган дори воситаларидан ярмидан кўпини инфузион эритмалар ва гепатопротекторлар ташкил этди. Симптоматик терапия сифатида қўлланиладиган бошқа гуруҳ дори воситалари фақат 15-16%ни ташкил этди.

Жигар циррозида патогенетик терапияни олиб бориш учун уларда ўтказиладиган даволаш схемасига диуретиклар, гепамерц ва лактулоза дори воситалари қўшилди. Бу ерда ҳам ҳар икки вилоят ўртасида фарқлар

аниқланди. Биринчи энг кўп буюриладиган икки гуруҳ дори воситаларига яна бир бор инфузион эритмалар ва гепатопротекторлар киритилди, учинчи ўринда эса диуретиклар, кейин эса лактулоза ва метаболликлар киритилди. Мана шу учта гуруҳ барча қўлланилган дори воситаларининг ярмидан кўпини ташкил этди.

Жигарнинг сурункали касалликлари билан оғриган беморлар томонидан қабул қилинган гепатопротекторлар структураси ўзаро солиштирилганда, вилоятлар бўйича фарқлар аниқланмади. Ҳолатларнинг ярмидан кўпига эссенциале, тўртдан бир қисмига карсил, қолган қисмига эса урсосан, лив-52, апкасул ва гептрал дори воситалари буюрилди.

Маълумки, вирусли гепатитлар ва жигар циррозида кузатиладиган турли клиник синдромлар учун гепатопротекторларнинг таъсир самарадорлиги бир хилда эмас. Демак, АСТ ва АЛТ ферментлар фаоллигининг ортиши билан бирга кечувчи цитолитик синдромда энг самарали дори воситаларига эссенциале ва карсил, холестатик синдромда эса УДХК, жигарнинг синтетик етишмовчилигида эса лив-52 ва гептрал дори воситалари киради.

Сурункали гепатитларда мазкур синдромлар этиологик сабабга боғлиқ ҳолда турли даражада кузатилади. СГВ да цитолитик ва холестатик синдромлар алоҳидалашган ҳолда ёки биргаликда энг кўп намоён бўлади, СГСда эса касаллик ҳолатларининг деярли ярмиси қандайдир лаборатор аҳамиятга эга бўлган синдромларсиз намоён бўлади. Вируссиз этиологияли сурункали гепатитларда барча синдромлар ва уларнинг мавжуд бўлмаслик ҳолатлари деярли тенг нисбатда намоён бўлади.

Жигар циррозининг ўзига хос бўлган хусусияти бўлиб этиологик сабабдан қатъий назар, синтетик етишмовчиликнинг тез-тез аниқланиши ҳисобланади. Шу билан бир вақтда вирус этиологияли гепатит В жигар циррозида барча юқорида келтирилган синдромларнинг аниқланиш сони сурункали гепатит В га нисбатан юқорилиги кузатилган бўлса, гепатит С этиологияли жигар циррозида цитолитик синдромлар сони ва клиник намоён бўлган синдромларнинг мавжуд эмаслиги 2-3 марта паст натижани кўрсатди, холестатик синдромлар эса ўзгаришларга учрамади. Вируссиз этиологияли жигар циррозида эса цитолитик ва холестатик синдромлар сони бир хил натижага эга бўлмади, аммо синтетик етишмовчилик сонининг яримдан кам бўлган белгиларини ташкил этди.

Бундан келиб чиқадики, жигарнинг сурункали касалликларида энг кўп буюриладиган (80%дан юқори) гепатопротекторлар (инъекция шаклидаги эссенциале ва карсил) асосан цитолитик синдромга яхши таъсир кўрсатади, сурункали гепатит ҳолатларининг 29% ида кузатиладиган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ва жигар циррозининг 2/3 қисмида юзага келадиган синтетик етишмовчилик синдромида лив-52 ва гептралдан (6-7% гепатопротекторлар) ташқари метаболликлар ҳам буюрилди. Шу билан бир вақтда жигарнинг сурункали касалликларини 1/3 қисмида юзага келадиган холестатик синдромни бартараф этиш учун УДХК дори воситаси етарли даражада буюрилмаган (гепатопротекторларнинг жами бўлиб 5%ини ташкил этган).

Клиник тавсияларга мос ҳолда беморлар стационар шароитда даволаниб бўлганларидан сўнг улар, амбулатор шароитида 5–6 ой давомида тавсия этилган гепатопротекторларни қабул қилишни давом эттирдилар. Олиб борилган даволаш самарадорлиги қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланди. Сурункали вирусли гепатитлар учун йил давомида касаллик зўрайишини ўртача частотаси 1,3 мартани ташкил этди ва ҳар икки вилоятда ҳам бир хил натижани кўрсатди, аммо вируссиз этиологияли сурункали гепатитлар учун мазкур параметр бир неча бор паст натижани кўрсатди (1,1 марта), бунда аниқланган паст кўрсаткич Навоий вилоятида кучлироқ намоён бўлди.

Худди шунга ўхшаш кўриниш (3 йиллик давр учун ҳисоблаб чиқилган) сурункали гепатитларни жигар циррозига айланиш даражасига нисбатан ҳам аниқланди. Бунда жигар циррози учун касалликнинг зўрайишлари сони сурункали гепатитларга нисбатан бир неча бор юқори бўлди ва вирус этиологияли гепатитларда 1,6–1,7 марта, вируссиз этиологияли гепатитларда эса 1,1–1,2 марта юқори натижаларни кўрсатди ҳамда ҳар икки вилоят бўйича фарққа эга бўлмади. Ўлим кўрсаткичларига нисбатан ҳам сезиларли фарқлар аниқланмади. Ушбу кўрсаткич вирусли ва вируссиз этиологияли жигар циррозлари учун яримдан кўп нисбатни ташкил этди.

Бундан кўринадики, эссенциал гепатопротекторлари билан олиб борилган стандарт даволаш вируссиз этиологияли жигарнинг сурункали касалликлари терапиясида юқори даражада яхши самара кўрсатди, бу этиологик омил таъсирининг тўхташи ва эссенциал фосфолипидлар ёрдамида шикастланган ҳужайраларнинг етарли даражадаги репарацияси ҳисобига юзага келди. Даволашнинг бундай кўриниши Навоий вилояти учун хос бўлиб, ушбу вилоятда Бухоро вилоятига нисбатан заҳарли этиологияли жигар касалликларининг юқори частотаси аниқланади.


Гепатопротектор дори воситаларини тадқиқ қилиш даври давомида (2006–2016) гепатопротектор дори воситаларини фармакоэпидемиологик таҳлиллари сони кўрсатдики, ушбу касалликларда қўлланиладиган зарурий дори воситаларининг улуши, шулар қаторида гепатопротекторларнинг нисбий улуши ошди. Аниқландики, гепатопротекторлар орасидан УДХК дори воситасининг улуши ошиб ва карсил дори воситасининг улуши камайди, шу вақтда эса эссенциал фосфолипид дори воситаларининг улуши ўзгаришсиз қолди. Бундан ташқари Навоий вилоятига нисбатан солиштирилганда Бухоро вилоятида сурункали гепатит С нинг тарқалганлиги нисбатан юқорилигига қарамасдан шу нарса аниқландики, қўлланиладиган дори воситаларининг таркиби ва улар ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгаришсиз қолди.


Диссертациянинг «**Жигарнинг сурункали касалликларини даволаш учун ишлатиладиган дори воситалари структурасини ABC ва VEN таҳлили**» деб номланган бешинчи бобида жигарнинг сурункали касалликларини даволаш ўтказилганда буюрилган дори воситаларининг таннархи ва миқдори, аҳамиятини баҳолаш натижаларининг VEN ва ABC таҳлили ёрдамида олинган маълумотлари келтирилган.

Сурункали гепатитларни даволаш учун қўлланиладиган дори воситаларининг гуруҳлари таннархининг таҳлили шуни кўрсатдики, энг қиммат турувчи дори воситаларига инфузион эритмалар ва метаболликлар киради (32,4% ва 30,3%), гепатопротекторлар эса фақат 3 ўринни эгаллади. Умуман олганда, уч гуруҳ дори воситаларининг таннархи 86,2%ни ташкил этди.

Жигар циррозини даволаш қийматининг юқори бўлиши, метаболликлар сони ва нархининг ортиши ҳисобига бўлиб, у 59,2% ни ташкил этади. Бунда қўлланиладиган барча дори воситалари умумий нархининг 2 мартага ортиши ва унга мос ҳолда миқдорининг ҳам ортиши кузатилди, сурункали гепатитларда қўлланилган ҳажмда инфузион эритмалар улуши 15,2% гача пасайди, дори воситаларининг учта асосий гуруҳининг йиғинди нархи 92,7%ни ташкил этди.

Олинган натижалар 2006 йилда Бухоро вилоятида даволанган сурункали вируссиз гепатитли беморларда қўлланилган дори воситалари сарф-харажати бўйича А гуруҳга кирувчи препаратлар миқдори Навоий вилоятидаги беморлардан деярли фарқланмаган бўлса-да, В гуруҳга кирувчи препаратлар миқдори Навоий вилоятига нисбатан 18% га кам бўлган, С гуруҳга кирувчи препаратлар миқдори эса, аксинча, 36,8% га юқори бўлган. 2016 йилга келиб эса ушбу жигар сурункали хасталигида Бухоро вилоятида А гуруҳга кирувчи препаратлар миқдори Навоий вилоятига нисбатан ошган ва В ва С гуруҳга кирувчи препаратлар миқдори Навоий вилоятига нисбатан 2006 йилдаги каби бўлган (1А ва 1Б расмлар).





1-расм. Сурункали жигар хасталиклари давосида қўлланилган дори воситаларининг сарф-харажатлар бўйича Бухоро (А) ва Навоий (Б) вилоятлари кесимида ABC-таҳлили.

Сурункали В гепатити билан хасталанган беморларда қўлланилган дори воситаларининг сарф-харажатлар бўйича ўтказилган ABC таҳлили 2006 йилда Бухоро ва Навоий вилоятларида А, В ва С гуруҳлари бўйича деярли бир хил нисбатда бўлиб, С гуруҳидаги препарат миқдори В ва, айниқса, А гуруҳига нисбатан юқори бўлган. Аммо Навоий вилоятида С гуруҳига кирувчи препаратлар миқдори Бухоро вилоятига нисбатан сезиларли даражада паст бўлган бўлса, А гуруҳига кирувчи препаратлар эса, аксинча сезиларли даражада юқори бўлган. 2016 йилга келиб, Бухоро вилоятида ушбу хасталикда А, В ва С гуруҳлари орасидаги нисбат деярли тенглашган бўлса, Навоий вилоятида эса А гуруҳига кирувчи препаратлар миқдори 2006 йилга нисбатан ҳам, Бухоро вилоятига нисбатан ҳам анча юқори бўлган (1А ва 1Б-расмлар). Айнан шундай ҳолат сурункали С гепатитларга ҳам хос бўлган.

2006 йилда жигарнинг сурункали касалликлари билан оғриган беморларда ушбу йўналишда олиб борилган қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатдики, А гуруҳи беморларининг дори воситалари учун сарфлаган харажатлари улуши 22–23%ни ташкил этди, В гуруҳида эса бир оз юқори 26–30%ни ташкил этди, С гуруҳида эса энг юқори 46–51%ни ташкил этди. Бирок, 2016 йилга келиб, ўрганилган вилоятларда мазкур кўрсаткичлар С гуруҳига кирувчи дори воситалари улушининг камайганлиги ҳисобига пасайди (1-расм).

Жигарнинг сурункали касалликлари терапиясининг фармакоиктисодий таҳлили ABC/VEN-ретроспектив таҳлил кўринишида ўтказилди. Унинг асосий мазмуни ҳар икки гуруҳ дори воситалари учун сарфланадиган пул маблағларидан оқилона фойдаланишни ва уни амалдаги талабга мослигини баҳолаш ҳисобланади.

Шу нарса аниқландики, энг кўп сарф харажат талаб этиладиган дори воситалари рўйхатида (харажатлар 80%ни ташкил этувчи А гуруҳи) 22,9% дори воситалари туради, улардан ҳаёт учун энг муҳим дори воситаларига (V гуруҳи) кириб, унга дори воситаларининг чорак қисми киради, ярмидан кўпи эса зарурий дори воситалари гуруҳига киради (E гуруҳи). В гуруҳида (15% харажат) А гуруҳидаги 22,9% дори воситалари миқдорига тенг бўлган дорилар мавжуд бўлиб, бунда иккинчи даражали дори воситалар (N гуруҳи) 3 марта кўп миқдорни ташкил этди. Ниҳоят, С гуруҳи (5% харажат) дори воситаларининг асосий қисмини иккинчи даражали дори воситалари ташкил этади, аммо V гуруҳининг ярмидан кўп дори воситалари айнан шу ерда мавжуд бўлади.

ABC/VEN таҳлил натижаларидан шу нарса кўринадики, умуман олиб қаралганда, пул воситаларидан оқилона фойдаланишга риоя қилинади, бироқ А гуруҳида V гуруҳга кирувчи ҳаёт учун муҳим бўлган дори воситалари етарли миқдорда бўлмайди, уларнинг бир қисми С гуруҳи таркибига тушиб қолган.


Диссертациянинг «**Холестази синдроми устуворлигида кечувчи жигарнинг сурункали касалликларини даволашда урсосанни дифференциаллашган ҳолда қўллаш (проспектив таҳлил)**» деб номланган олтинчи бобида холестази синдроми устуворлигида кечадиган сурункали жигар касалликлари билан хасталанган беморлар комплекс давосида урсосан препаратини, анъанавий усулдан фарқли янги, табақалашган миқдорда қўллаб даволашнинг тиббий ва иқтисодий натижалари кўрсатилган. Бунда холестази синдроми устуворлигида кечадиган сурункали жигар касалликларида энг самарали ва кўп қўлланиладиган урсосан препарати миқдори жигар холестази синдроми оғирлик даражаларига қараб аниқланган. Холестази синдроми даражалари эса клиник белгилар ва билирубин, ишқорий фосфатаза, гаммаглутамилтранспептидаза (ГГТП) каби лаборатория кўрсаткичлари даражасига қараб табақалаштирилиб, унинг энгил даражасида ушбу препаратнинг дастлабки миқдори анъанавий миқдорга нисбатан камроқ (8–10 мг/кг) ва оғир даражасида (15–18 мг/кг) эса кўпроқ бўлган. Давонинг дастлабки 30 кунли мобайнида холестази синдроми клиник белгиларининг ўзгариши ва лаборатория кўрсаткичлари меъёрлашувига мос равишда препарат миқдори коррекция қилинган. Баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари нормага келган ҳолларда препарат берилиши тўхтатилган.

